



(Давоми. Боши 11-бетда.)

Академик лицей табиий йўналишга ихтисослашган бўлиб, биология, кимё фанлари чуқурлаштирилиб ўқитилади ва ўз навбатида ўқувчиларни тиббиёт олий ўқув юртыга, биология ва кимё факультетлари мавжуд институт ва университетларга тайёрлайди.

Академик лицейда ўқувчиларнинг тахсил олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий техника билан жиҳозланган тематик ўқув ва ўқув лаборатория хоналари, 2 та компьютер хонаси, инновацион техник жиҳозланган ахборот-ресурс марказига, 314 ўринли замонавий тадбирлар залига эга.

Академик лицей ўқувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига узлуксиз мақсадли тайёрлаш ишларини самарали ташкил этиш, мувофиқлаштириш ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини янада ривожлантириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 6 апрелдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини бакалаврият таълими йўналишларига касбга йўллаш ҳамда абитуриентларни мақсадли тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳақида»ги 96-сонли буйруғи қабул қилинган. Шу маънода табиий фанлар – биология, кимё – чуқурлаштириб ўқитилган тиббиёт олий таълим муассасаларига тайёрлайдиган академик лицей ҳамда тиббиёт коллежларида тегишли Олий таълим муассасалари билан кенг қамровли ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Ушбу масалада академик лицейда ўқув-тарбиявий ишлар, илмий ишлар ва маънавий-маърифий тадбирлар Тошкент Тиббиёт академияси билан узвий ҳамкорликда олиб борилади. Жумладан, Тошкент Тиббиёт академияси маънавият-маърифат бўлими, илмий ишлар бўлими, АРМ бўлими, биоанорганик ва биоорганик кимё, биофизика ва информатика, гистология ва тиббий биология, одам анатомияси, патологик анатомия, педагогика, психология ва тиллар, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари, ТТА 1,2 ва 3-клиникалари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат педагогика университети, Ўзбекистон Россия илм-фан ва маданияти маркази ҳамкорлик ваколатхонаси, Тошкент фармацевтика институти, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1 ва 2-сон академик лицейлар билан доимий ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

ТАА академиясида иқтидорли ўқувчиларини билим салоҳиятини янада чуқурлаштириш мақсадида «Академик Соатов» ҳамолиги мактаби фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ҳамкорлик мактабининг натижаси сифатида академик лицей III босқич ўқувчиси Шомирзаева Дилдора биология фани бўйича республика фан олимпиадаси босқичида совринли II ўринни, II босқич ўқув-

чилари Лазокат Икромов, А. Каримбердиев, У. Авазов, М. Максудова ва Дилафруз Умарова иқтидорли ёшлар ўртасида ўтказилган илмий ижодий конференцияда I даражали диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганини кўрсатишимиз мумкин.

Олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари самарасининг натижасида, жорий ўқув йилида II босқич ўқувчиси Ш. Шоанваров Республика фан олимпиадасининг вилоят босқичида Тошкент шаҳри бўйича кимё фанидан I ўринни эгаллади. Академик лицейимиз табиий фанларга йўналтирилиши ва ўқувчиларимизни табиий фанларга қизиқишлари билан бирга ижтимоий гуманитар фанларни ўзлаштиришларида ютуқларга эришиб, жорий ўқув йилида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлов туман босқичида II ўрин, «Солиқ билимлари болаларга» кўрик-танлов шаҳар босқичида фаол иштирокчиси учун диплом, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. 2014 йил мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурини амалга ошириш, ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида туман «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида а/р «Ёш оила

курувчилар мактаби» тўғараги ташкил қилиниб, тўғарақ аъзолари соғлом турмушни тарғиб қилиш айниқса ёш авлодни тарбиялашда долзарб вазифа бўлаётган тиббий маданиятни шакллантиришда, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳ оқибатлари, уни олдини олиш чоралари бўйича, бу тўғарақда хотин-қизлар кўмиталари фаолияти, тиббиёт мутахассислари билан ўтказилаётган давра суҳбатларининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўзи танлаган соҳага етук инсонлар бўлиб етишиши ҳар бир ўғил қизимизнинг дастлабки қадамларидан бошланади. Бошлаган эзгу ниятдаги ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида, шу кунларда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари ўртасида касбга йўналтириш бўйича лицейимизнинг кимё, биология ва ўзбек тили кафедраси ўқитувчилари томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, «Маслаҳат кенгаши», «Консультатив марказ» фаолият юритмоқда.

С.Ш. ЮНУСОВА,

ижтимоий фанлар кафедраси мудири

Тошкент Тиббиёт академияси Ректорати ва касаба уюшмаси даволаш факультети декани, болалар касалликлари кафедраси мудири тиббиёт фанлари доктори, профессор Барно Холматовва волидаи муҳтарамаси

РУҚИЯХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ



Тошкент Тиббиёт академиясида магистратура йўналиши битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

ХУШ КЕЛИБСИЗ АБИТУРИЕНТЛАР!

Мустақил Республикаимизда нуфузли олий ўқув юртыдан бири бўлган Тошкент Тиббиёт академиясида етук мутахассислар, саломатлигимиз посбонлари — шифокорлар ўқиб тахсил олади. Илм масканида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, талабаларнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар орасида келгусида етук педагогик кадрларни шакллантириш, академия жамоасининг асосий вазифаларидан хисобланади.

Бу даргоҳда талаба-ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, малакали профессор-ўқитувчилар уларга шифокорлик сирларини ўргатадилар. Ўқув масканида кафедралар ва илмий текширув лабораториялари юксак даражада замонавий ўқув ва текширув воситалари билан жиҳозланган. Шунингдек, академияда маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Қизиқарли учрашувлар, кўрик-танловлар, фестиваллар, спорт мусобақалари ва бошқа байрам тадбирлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, академияда ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишлари учун турли тўғарақлар ҳам фаолият юритмоқда. Шу билан бир қаторда спорт мусобақаларини ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Эътиборлиси, вилоятлардан келган ёшлар учун барча зарур шароит ва қулайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд.

Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яшилланмоқда.

Малакали кадрларни тайёрлаб, юрт қорига хизмат қиладиган мутахассисларни етказиш олийгоҳимизнинг бурчидир.

Хурматли абитуриентлар!

Сизнинг асосий вазифангиз барча имкониятларингизни, зехнингизни ишга солиб бўлажак тест синовларини муваффақиятли топширишдан иборат. Сизларга тест синовларида омад ёр бўлсин.

Шавкат КАРИМОВ,
ЎЗРФА академиги, ректор

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА ЁШ ШИФОКОРЛАР!

Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш. Каримов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар ёш авлодга замонавий билим бериш, уларнинг истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қиладиганини таъкидлади.

Тошкент Тиббиёт академиясининг магистратурасида бугунги кунда 47 йўналиш бўйича 767 нафардан зиёд малакали мутахассис тайёрланади. Жорий йилда 276 нафар йигит-қиз магистратурани битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Тошкент Тиббиёт академияси, илм-фан ва олий таълим масканлари ҳамда тиббиёт

клиникалари ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ битирувчиларнинг барчаси иш билан таъминланди.

Низамов Улуғбек ўз фаолиятини Тошкент Тиббиёт академиясида кардиология мутахассислиги бўйича давом эттиради.

— Мамлакатимизда биз, ёшларга илм-фаннинг замонавий ютуқларидан кенг фойдаланиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш учун барча имкониятлар яратилган, — дейди У. Низамов. — Бу ўқиш ва ишда муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Ушбу имкониятлардан оқилонга фойдаланиб, халқимиз саломатлигини сақлашга ҳиссамизни қўшиш асосий вазифамиздир.



Илм — харсанг тошни ҳам тилга кирита олади.



MUASSIS: TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI	MUHARRIR V/B QUTBIDDIN NIZOMOV	TAHRIR HAYATI: O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov, L.Abdugodirova.	Gazeta Pentium-IV kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFIDA 2000 nusxada chop etildi. Manzirimiz: Toshkent shahri, Farobiy ko'chasi, 2-uy Nashr uchun ma'sul Q. Nizomov
Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda 02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan		Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun mualliflar javobgardir	

Хурматли абитуриент ва ота-оналар!

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

Тошкент Тиббиёт академияси Президенти мизнинг 2005 йил 19 июль ПФ-3629 Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 29 июлдаги 178-сон қарорлари асосида тугатилган биринчи ва иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтлари негизда ташкил топди.

Ушбу фармонга асосан Тошкент Тиббиёт академиясида юқори малакали тиббиёт кадрларни тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш мақсадида, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замон талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий техника базаси яратилган, илғор таълим технологиялари кенг жорий этилган.

Бугунги кунда академияда бакалавриатуранинг 6 та йўналишлари: даволаш иши, касбий таълим (даволаш иши), тиббий профилактика иши, стоматология, олий маълумотли ҳамширалик, ҳарбий тиббиёт иши, 45 та магистратура мутахассислиги бўйича талабалар ва резидентлар тахсил олишмоқда. Тиббиёт академияси нафақат Республикамизда, балки мустақил Ҳамдўстлик давлатлари орасидаги энг йирик ва юқори илмий салоҳиятга эга тиббиёт олийгоҳидир.

Тошкент Тиббиёт академиясида 750 профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Ўқитувчиларнинг 480 нафари илмий даражага эга. Академия профессор-ўқитувчиларидан 2 таси ЎзФА академиклари, 11 таси Россия ва Европадаги турли академияларнинг академиклари, 115 фан докторлари, 365 нафари фан номзодлиги даражасига эга.

Тошкент Тиббиёт академияси таркибида 53 та турли йўналишлардаги кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Барча кафедралар замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда ўқув режаси бўйича барча фанлардан маърузаларнинг мультимедия вариантлари, ўргатувчи компьютер дастурлари, 100 та



фандан 800 дан ортиқ видеофильмлар мавжуд ва дарс жараёнида қўлланилмоқда.

Тошкент Тиббиёт академиясида 98 бўлимлар ҳамда марказий илмий текшириш лабораторияси фаолият кўрсатмоқда.

Академияда 4300 дан зиёд талабалар, 767 дан зиёд магистрлар, 223 клиник ординаторлар, 21 та катта илмий ходим изланувчилар тахсил олмоқда.

Бу масканда ҳар томонлама етук ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, ҳозирги кунда таълим беришда янги педагогик, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш сифатини объектив назорат қилиш орқали таъминланмоқда.

Тиббиёт академиясида таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усулларида куйидагилар кенг қўлланилмоқда:

- ўқитувчи-назорат қилувчи дастурлар;
- имитацион амалий ўйинлар;
- клиник ва диагностика масалалар;
- фантом масалалар;
- амалий кўникмаларни босқичма-босқич ўрганиш;
- электрон ўқув компьютер дастурлари;
- «далилларга асосланган тиббиёт» материалларидан кенг фойдаланилади.

Академияда талабаларнинг назарий билимлари компьютерлар билан жиҳозланган тест марказларида, амалий кўникмалари эса чет элдан келтирилган замонавий фантом ва муляжларга эга бўлган амалий кўникмаларни ўргатиш лабораторияси, яъни марказларида ўргатилади. Талабаларнинг амалий фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалий кўникмаларни боғлашнинг халқаро тизими ОАСЕ (объектив структурали клиник имтиҳон) жорий қилинган.

Академия талабалари, магистрлари ва аспирантлари ҳар йили ўтказиладиган турли Республика ва халқаро миқёсдаги олимпиада ва кўриктанловларда иштирок этиб совриндор бўлишмоқда.

Олийгоҳда талабаларнинг маънавий баркамол шифокор бўлиб шаклланишига ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, академияда маданият уйи, 12 та бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва 10 та спорт секциялари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тиббиёт академиясида маънавий ва маърифат бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, мураббийлар ва васийлар кенгашлари, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, талабалар касабга уюшмаси ва деканатлар томонидан доимий равишда:

(Давоми 3-бетда)

(Давоми. Боши 10-бетда.)

хатти-ҳаракати тест синовини ўтказиш регламентининг бузилишига олиб келганда;

тест синови вақтида аудитория раҳбари, ёрдамчи ва кузатувчи томонидан аудитория эшигини ёпиб қўйиш ва аудиториядан туриб қаватдаги ҳаракатларни кузатилишига йўл қўйганда;

тест синови жараёнида бино ва қаватда назоратни қўлдан чиқарганда, тартибсизлик келиб чиқишига сабаб бўлганда; аудиторияларда тест синови тартибини бузган абитуриентларни четлаштириш тўғрисида далолатнома тузилишига қаршилик қилганда ва шу каби бошқа ҳолатларда.

64. Аудитория раҳбари, ёрдамчи ва кузатувчи куйидаги ҳолатларда тест синови жараёнидан четлаштирилади:

аудиторияга тақиқланган воситаларни олиб кирганда;

тест синови жараёнига бошқа тизим ходимларининг аралашувига йўл қўйганда;

юклатилган вазибаларни суиистеъмол қилганда;

хатти-ҳаракати тест синовини ўтказиш регламентининг бузилишига олиб келганда;

абитуриентга тақиқланган воситалардан фойдаланиш учун шароит яратиш берганда;

беғона шахсларнинг аудиторияга киришига йўл қўйганда;

тест синови бошлангандан кейин аудиториядан тест материалларининг олиб чиқилиши ва олиб кирилишига йўл қўйганда;

аудитория эшигини ёпиб қўйганда; тест синови вақтида аудиториядан ташқарига чиққанда; аудитория эшигидан туриб қаватдаги ҳаракатларни кузатганда;

тест синови жараёнида аудиторияда назоратни қўлдан чиқарганда, тартибсизлик келиб чиқишига сабаб бўлганда ва шу каби бошқа ҳолатларда.

65. Тест синови ўтказиш тартибини бузган абитуриент куйида санаб ўтилган ҳолатларда тест синови бошланишидан олдин, тест синови бошлангандан кейин аудиторияда ва ихтиёрий босқичда тест синови жараёнидан четлаштирилиши мумкин.

Тест синови бошланишидан олдин:

тест синовлари ўтказиладиган бино худудига микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса;

бошқа абитуриентнинг ўрнига киришга ҳаракат қилаётганлиги аниқланса ва шу каби тест синовини ўтказиш тартибини бузса.

Тест синови бошлангандан кейин аудиторияда:

тақиқланган воситаларни олиб кирганлиги аниқланса;

тест жараёни давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса;

тест материалларини алмаштирса;

бошқа абитуриентларга ёрдам берса ёки ёрдам олса;

тест материаллари (саволлар китоби, жавоблар варақаси)га шикаст етказса; хатти-ҳаракати (баланд овозда гаплашиш, аудитория раҳбари, ёрдамчи ва кузатувчи билан тортишиш, руҳсатсиз ва сабабсиз ўрнини тарк этиш, бўш жойга бориб ўтириш ва ҳ.к.) билан бошқа абитуриентларнинг тест саволларини ечишига халақит қилса;

тест материалларини ташқари чиқарса (деразадан ташлаб юборса, кимгадир бериб юборса ва ҳ.к.);

аудитория раҳбарининг белгиланган вақтда ўрнидан туриш ҳақидаги қўрсатмасига бўйсунмаса, ёрдамчи томонидан тест материалларининг йиғиб олинишига қаршилик қилса;

тест материалларини белгиланган вақтда топширмаса;

бошқа абитуриентнинг ўрнига кирганлиги аниқланса ва шу каби тест синовини ўтказиш тартибини бузса.

Ихтиёрий босқичда:

Тафтиш комиссиясининг далолатномаси асосида тест материалларини ўзи билан олиб чиқиб кетганлиги тасдиқланса;

тест материалларига шикаст етказганлиги ёки бошқа абитуриентнинг тест материалларини олиб чиқиб кетганлиги аниқланса;

саволлар китоби, жавоблар варақаси ёки титул варақасини белгиланган талаб асосида расмийлаштирмаган бўлса.

Четлаштирилган абитуриентларнинг эътирозлари кўриб чиқилмайди.

«Биз таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажакимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз»

И. Каримов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2006 йил 21 декабрдаги 203-сонли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 17 январдаги 27-сонли буйруғига биноан Тошкент Тиббиёт академияси қошида академик лицей ташкил этилди.

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, янги бинода 2007 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тошкент Тиббиёт академик лицейи ҳар йили Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини, яъни табиий фанларга қизиқиши бўлган ўқувчиларни танлаган йўналишлари бўйича жалб қилиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилади. Жумладан, 9-синф битирувчилари учун «Очиқ эшиклар» куни, «Ота-оналар мажлиси», «Мутахассислик сенинг келажакинг» мавзусида тадбирлар амалга оширилиб, бу тадбирларда ўқувчилар ва

уларнинг ота-оналари билан жонли мулоқот ўтказилади. Тадбирларда академик лицейнинг фаолияти, йўналишлари, ўтиладиган фанлар, лицейда таълим олишнинг афзалликлари, эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот берилади. Шунингдек, 9-синф битирувчилари академик лицейимизнинг иқтидорли ўқувчилари билан ҳам мулоқотда бўладилар, кўргазмали стендлар орқали лицейимиз фаолияти билан янада яқиндан танишадилар. Ҳозирги кунда академик лицейда 557 нафар ўқувчи тахсил олмоқда.

Давоми 12-бетда.



Ҳикмат

Ҳаёт қоронғулигини илм ёритади.



Ҳикмат



Ҳикмат

Илм билан билим топилганда инсонни безайди.



Ҳикмат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЕСТ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМДАН КЎЧИРМА

9-§. Тест синовларини ўтказиш

52. Тест синови ўтказиладиган куни абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган бино худудига соат 8.00 гача видеокузатув орқали паспорти ва абитуриент рухсатномаси билан киритилади. Абитуриент эълонлар тахтасидаги мазкур Низомнинг 14-иловасида келтирилган абитуриентларнинг бино ва гуруҳлар бўйича умумий рўйхатидан қайси гуруҳда эканлигини аниқлаб, видеокузатув орқали бинога кириши ва кўрсаткичлардан фойдаланиб, ўзига тегишли аудиторияга боради. Абитуриент аудиторияга соат 8.30 гача киритилади. Тест синовлари бошлангандан кейин абитуриент аудиторияга киритилмайди.

53. Танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовини топширади. Тест топшириқлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

54. Тест синови соат 8.30 да бошланади.

Соат 8.30 дан 9.00 гача абитуриентлар жавоблар варақасини тўғри тўлдириб тартитиб билан танишадилар ва унинг тегишли жойига ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ёзадилар. Бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди. Белгиланган вақтда тест синовларига келмаган абитуриентлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

55. Тест синови бошлангандан кейин ташқаридан ҳеч қим киритилмайди. Тест топшириқлари бўйича абитуриентлар билан савол-жавоб қилинмайди. Тест синови давомида аудитория эшиклари очик ҳолатда туради. Аудитория раҳбари, ёрдამчиси ёки кузатувчиси томонидан аудиториядан туриб қаватдаги ҳаракатларни назорат қилиши тест синовини ўтказиш қондасини бузиш ҳисобланади. Тест синови ўтказиш тартитибни бузган аудитория раҳбари, ёрдამчиси, кузатувчисига нисбатан қават вакили томонидан далолатнома тузилиб, тест синовидан четлаштирилади.

56. Абитуриент жавоблар варақаси рақами билан саволлар китоби рақамининг бир-бирига мослигини ва саволлар китобида

тобида фанлар бўйича тест саволларида типографик хато ёки бошқа нуқсонлар йўқлигини текширади. Агар тест саволларида нуқсон бўлганда соат 9.00 гача бу ҳақда аудитория раҳбарига хабар беради.

57. Абитуриентлар абитуриент рухсатномаси ва титул варақасининг тегишли жойларига жавоблар варақаси рақамини кўчириб ёзади. Шундан сўнг, титул варақасида кўрсатилган махсус кодини жавоблар варақасига кўчириб ёзади ва тегишли доирчаларни бўяйди.

58. Таълим тили, таълим йўналиши, таълим муассасаси, ижодий ва чет тили имтиҳонлари баллари ҳамда ҳарбий имтиҳонини белгилловчи ягона маълумот бўлган махсус кодни тўғри кўчириб бўялмаган ёки хато бўлган жавоблар варақаси бўйича натижа далолатнома асосида ихтиёрий босқичда бекор қилинади ва абитуриент эътирозини кўриб чиқилмайди.

Абитуриент жавоблар варақасининг 1-блокига ва саволлар китоби муқовасининг белгиланган жойига ўзи ҳақидаги тегишли маълумотларни ёзиб, имзо қўяди. Ушбу маълумотлар киритилмаган ёки нотўғри киритилган тақдирда, ихтиёрий босқичда натижа далолатнома асосида бекор қилинади ва абитуриент эътирозини кўриб чиқилмайди.

59. Саволлар китобидаги ҳар бир фан 36 та топшириқни ўз ичига олади.

Абитуриентга тест топшириқларини бажариш учун куйидаги вақт меъёрлари белгиланади:

72 саволга — 2 соат;

108 саволга — 3 соат.

Ҳар бир саволга 4 тадан («А», «В», «С», «D») жавоблар варианты берилган бўлиб, абитуриент улардан фақат биттасини саволлар китобчасида белгиллаши (саволлар китобида белгиланган жавобларни ўзгартириш мумкин), кейинчалик жавоблар варақасидаги мос доирчаларини белгиланган тартибда бўяши керак (жавоблар варақасида белгиланган жавобларни ўзгартириш мумкин эмас).

Ҳар бир тест саволига фақат битта жавоб белгиланади. Жавоблар варақаси махсус қурилмаларда ўқилади. Агар жавоблар варақасидаги «Белгилаш учун намуна» қондасига риоя этилмаса, жумладан, битта саволга жавоблар варақасида

сида тегишли доирача бўялмаса ёки икки ва ундан ортиқ доирача бўялса, ёки нуқта қўйилган бўлса ёхуд тўлиқ бўялмаса, ушбу жавобга балл берилмайди. Тўлдирилган жавоблар варақаси абитуриентнинг билим даражасини белгилловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

59. Жавоблар варақаси абитуриент томонидан ҳаво ранг пастали шарикли ручка билан тўлдирилади.

Жавоблар варақаси тўғри тўлдирилиши учун абитуриент шахсан жавобгардир. Жавоблар варақасидаги тегишли доирчаларни нотўғри бўяган абитуриентларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

Жавоблар варақасини тўлдириб тест синови учун белгиланган вақт меъёрига қўшимча 20 дақиқа ажратилади.

60. Тест синовларини топшириш вақтида абитуриентнинг аудиториядан чиқиши тақиқланади, аудиториядан чиққан абитуриентлар қайтадан тест синовларига қўйилмайди, соғлиги ёмонлашган ҳолатларда тест материалларисиз қават вакили ва тиббий хизмат ходими кузатувчиси остида аудиториядан чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

61. Аудитория раҳбари томонидан тестни бажариш учун ажратилган вақт тугагани ва саволлар китобида белгиланган жавобларни жавоблар варақасининг мос доирчаларига бўяш учун қўшимча берилган йиғирма дақиқалик вақт бошланганлиги эълон қилинганда абитуриент саволлар китоби билан ишлашни тўхтатиб, саволлар китобида белгиланган жавобларни жавоблар варақасининг мос доирчаларига бўяшни бошлаши, қўшимча ажратилган вақт тугагани эълон қилинганда жавоблар варақаси билан ишлашни тўхтатиши шарт.

Абитуриент тест саволлари ёки тест синовларини ўтказиш жараёни юзасидан эътирозлари мавжуд бўлганда, Давлат тест марказига мазкур Низомнинг 22-иловасига мувофиқ ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Ариза тест материаллари кутисига солинади.

62. Тест синовларини белгиланган муддатдан олдин тугатган ёки тест синовлари учун ажратилган вақт тугагач, абитуриентлар мазкур Низомнинг 41-бандида назарда тутилган тартибда тест материалларини топширади.

63. Давлат тест маркази вакили куйидаги ҳолатларда тест синови жараёнидан четлаштирилади:

бино, қаватга тақиқланган воситаларни олиб кирганда;

абитуриентга тақиқланган воситалардан фойдаланиш учун шароит яратиб берганда;

бино ва қаватда тест синови жараёнига бошқа тизим ходимларининг аралашуви, рухсатномаси бўлмаган шахсларнинг киришига йўл қўйганда;

юклатилган вазибаларини суиистеъмор қилганда;

Давоми 11-бетда.

ЎҚУВ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Бугунги кунда ўқув жараёни таъминлаш учун бакалавриатуранинг барча йўналишлари (даволаш, тиббий-педагогика, тиббий-профилактика ва ОМХ), ҳарбий тиббиёт ва магистратуранинг 45та мутахассислиги бўйича янги ўқув дастурлари ва режаларига эга. Бу дастур ва режалар талабаларнинг мустақил билим олишига, тайёрланишига, ўқитиш жараёни индидуаллаштиришга қаратилган.

Ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги кунда таълим беришда янги педагогик, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш сифатини объектив назорат қилиш ва баҳолаш тизимини қўллаш орқали таъминланмоқда. Таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усуллари:

- ўқитувчи-назорат қилувчи дастурлар,
- иммитацион амалий ўринлар;
- клиник ва диагностик масалалар;
- фантом масалалар;
- амалий кўникмаларни босқичма-босқич ўрганиш;
- электрон ўқув компьютер дастурлари;
- «далилларга асосланган тиббиёт» материалларидан кенг фойдаланилади.

Барча кафедралар замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда ўқув режаси бўйича 100 та фандан 800 дан ортиқ видеофильмлар мавжуд ва дарс жараёнида қўлланилмоқда.

Талабалар, магистрлар ва аспирантларнинг:

- Ибн Сино стипендияси 2та;
- Врачлар ассоциацияси 1та;
- Ўқтам Орипов номидаги стипендияси 1та;
- 5 нафари фанлар бўйича ўтказиладиган республика олимпиадалари голиби ва совриндори.

Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан:

- 200 дарсликлар, уларнинг 100 дан зиёди электрон шаклда;
- 2620 ўқув-услубий қўлланмалар, 1200 дан зиёди илмий мақолалар чоп этилган. Шу жумладан:

- 22000 дан зиёди дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар;
- 39778 дан кўп монографиялар;
- 15000 дан зиёди турли йилларда чоп этилган журналлар;
- Талабалар билимлари 120 та компьютерлар билан жиҳозланган тест марказида, амалий кўникмаларни эгаллаш, ОСКЭ, ҚВП модулларида ҳолисона баҳоланади.

Битирувчиларнинг амалий фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалий кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизими OSCE (объектив структурали клиник имтиёз) жорий қилинган.

Талабаларнинг маънавий баркамол шифокор бўлиб шуғулланишларига катта эътибор қаратилган.

Маънавият-маърифат бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, мураббийлар ва васийлик кенгашлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати деканатлар томонидан

- давлат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, профессорлар билан учрашувлар, талабаларнинг дилдан суҳбатлари, топқирлар, зукколик викториналари, «Клиникага йўл», «Очиқ эшиклар куни», «Олтин куз» фестивали сингари тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Академияда 12 та бадий-ҳаваскорлик тўғараги, спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми. Боши 2-бетда)

Давлат арбоблари, етук олимлар, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар, талабаларнинг давра суҳбатлари, топқирлар ва зукколар викториналари;

– «Клиникага йўл»

– «Спорт байрами»

– «Тамакига йўқ»

– «Рационал овқатланиш»

– «Овқатланиш сирлари»

– «Дори-дармонсиз» саломатлик каби тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилмоқда. Ҳар ойда ташкил этиладиган «Маънавият ва маърифат куни»да талабаларимиз турли музейларга, театрларга ташриф буюрадилар.

Тошкент Тиббиёт академиясида илмий ишларга ҳам катта эътибор қаратилган, академиянинг кафедралари, илмий лабораториялари замонавий илмий-текшириш асбоб-анжомлари билан жиҳозланган бўлиб, талабалар ва изланувчилар юқори савияда илмий излашлар олиб боришади. Барча кафедраларда талабалар илмий жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси кутубхонаси фондида 772564 дан зиёд китоблар бор. Шу жумладан: 204316 дан зиёд дарсликлар ва 32637 услубий қўллан-

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ


малар, 304011 монографиялар, 9700 дан зиёд турли йилларда чоп этилган журналлар, 600 дан зиёд дарсликларнинг электрон версиялари, 57 номдаги Россия ва бошқа давлатларда чоп этиладиган журналлар ва 47 номдаги республикамизда чоп этиладиган илмий-оммабоп журналлар мавжуд.

Тиббиёт академияси талабаларга дарс бериш билан бир қаторда ўзининг турли йўналишдаги замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган 3 та клиникасига эга бўлиб, клиник кафедраларнинг асосий қисми шу клиникаларда жойлашган. Ушбу клиникаларда даволаш ва ташхислаш ишлари малякали профессор-ўқитувчилар ва шифокорлар томонидан олиб борилмоқда. Яқин йиллар давомида академия клиникалари қошида Германиянинг Гумболдт номли университети клиник базаси ҳисобланган Шаприте клиникасининг филиалини очиш режалаштирилган.

Тошкент Тиббиёт академияси АКШ, Буюк Британия, Россия, Миср Араб Республикаси, Исроил каби хорижий давлатларнинг ўқув, илмий ва даволаш марказлари билан сермахсул ҳамкорлик қилмоқда.

Германиянинг Гумболдт номли университети билан ҳамкорлик дастури амалга оширилмоқда. Ушбу дастурларда талабалар ва магистрлар фаол иштирок этишмоқда.

Академияда 6 мамлакатдан келган 32 дан зиёд хорижий талабалар ва магистрлар билим олишмоқда.



ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ — МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

«Мустақиллик — бу давлатимиз барқарорлиги, буюк келажакимизнинг бунёди, ғуруримиз ва миллий онгимизнинг ўсиши, дунё халқлари орасидаги муносиб ўрнимиздир» деб таъкидлайди Президентимиз.

Республикамиз мустақиллиги шарофати билан академиямизда тиббий педагогика факультети очилди. Факультет талабалари ҳозирги замон билимларини эгаллаш, юқори савияли мутахассислар, ҳар жиҳатдан етук фуқаро ва ўз ватанига садоқатли инсон бўлиб етиштиришга ҳамма шароитлар яратилган.

Президентимизнинг «ҳамма ўз инсоний фуқаролик бурчини сидқидилдан бажариши керак» деган даъвати факультет талабалари учун дастуруламал ҳисобланади ва унга ҳамма тўлиқ амал қилади.

Тиббий педагогика факультетида иккита йўналиш бўйича — Умумий амалиёт ва янги педагоглар тайёрланади. Ўқиш муддати — 7 йил.

Тор мутахассисликларни эгаллаш учун факультетни тамомлаб, танлов асосида магистратурада ўқишни давом эттириш мумкин. Факультетда ўқитиш даволаш факультетининг ўқув дастуридан бир оз фарқ қилиб, унга қўшимча равишда психологик-педагогик йўналишлар бўйича айрим фанлар киритилган. Жумладан, касбий педагогика, касбий психология, педагогик маҳорат, янги педагогик технологиялар касбий таълим методика ва бошқалар.

Бошланғич курсларда талабалар: Ўзбекистон тарихи, кимё, физика, тиббий биология, педагогика ва психология, шунингдек нормал ва патологик анатомия, гистология, патологик физиология, микробиология, оператив жарроҳлик ва топографик анатомия фанларидан таълим оладилар.

Клиник кафедраларда талабалар тиббиёт клиникасининг асосларини ўрганидилар. Бу кафедралар талабаларнинг фикр юритишига, касалликнинг келиб чиқиши, уларни даволаш ва олдини олиш бўйича дастлабки тушунчага эга бўлишларига ёрдам беради.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати томонидан талабаларнинг яхши ўқиши учун, назарий ва амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ҳамма соҳа бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланган кутубхона ва компьютер хоналари мавжуд.

Фундаментал кутубхона барча керакли бўлган ўқув адабиётлар, махсус хорижий ва маҳаллий адабиётлар, маъруза матнларининг электрон версиялари билан тўлиқ таъминланган. Ҳозирги кунда кутубхонада 600000дан ортиқ китоб мавжуд. Талабаларнинг ихтиёрига замонавий таъминланган

ўқув хоналари берилган. Талабаларнинг амалий фаолиятга тайёргарлик даражаси, амалий кўникмаларни ўзлаштиришни баҳолаш OSCE (объектив структуралли клиник имтиҳон) асосида олиб борилади.

Факультет талабалари ўзларининг тиришқоқликлари билан устозларидан билимларни, кўникмаларни кўпроқ эгаллашга, ўзларида жавобгарлик ҳиссини оширишга, тартиб-интизомни сақлашга, устозлар ва ўртоқларига яхши муносабатда бўлишга, тафаккур ва маданиятларини оширишга ҳаркат қилмоқдалар. Адабиётлар билан мустақил ишлашга, янгиликларни ўзлаштиришга интилоқдалар.

Факультет кафедралари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар академиянинг ўқув бинолари илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт марказларининг бўлимларида жойлашган. Клиник кафедраларда умумий амалиёт шифокори тайёрлаш борасида машғулотларни амбулатор-поликлиника шароитида олиб боришга катта аҳамият берилган бўлиб, машғулотлар замон талаблари асосида жиҳозланган аудиториялар ва лабораторияларда ўтказилади.

Факультет талабаларининг илмий изланишларида қизиқиши катта бўлиб, уларнинг аксарияти турли фанлар бўйича талабалар илмий жамиятида иштирок этмоқдалар.

Факультет талабалари фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадалари, турли кўрик ва танловлар совриндори бўлганлар.

Талабалар бўш вақтларини мароқли ва унумли ўтказдилар. Ҳар ойда ташкил этиладиган «Маънавият ва маърифат» кунини талабалар ўз мураббийлари бошчилигида музейларга, театрларга ва бошқа маданий-маърифий муассасаларга ташриф буюрадилар, шунингдек, турли микёсда ўтказилган тадбирларда, учрашувларда, спартакиадаларда фаол иштирок этадилар.

Вилоятлардан келган талабалар учун барча қулайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд ва у ерда турли тўғарақлар мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов фармойишига биноан Олий ҳамширалик йўналиши ташкил қилинди. 5510700 — «Олий ҳамширалик иши» йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашдан мақсад соғлиқни сақлаш тизимини юқори малакали, ҳар томонлама етук мутахассислар билан таъминлашдир.

Тошкент Тиббиёт академиясида Олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. Факультет талабалари

академиямизнинг 25 та кафедрасида 50 та фандан билим олишади. Давлат таълим стандартига биноан фанлар 5 та блокка бўлинади.

1.Блок - гуманитар ва ижтимоий, иқтисодий фанлар (9 та фан)

2.Блок - математик ва табиий-илмий фанлар (8 та фан)

3.Блок - умумкасибий фанлар (24 та фан)

4.Блок - ихтисослик фанлари (ҳамширалик ишида бошқариш, акушерликда ҳамширалик иши, хирургияда ҳамширалик иши, реанимация ва анестезиология ҳамширалик иши)

5.Блок - қўшимча тайёргарлик фанлар (педагогика ва психология, технология ва маҳорат, танлов фанлар)

Бугунги кунда факультетда 265 та талаба таҳсил олмақда. Улардан 120 таси грант, 145 таси контракт асосида.

Дарслар жадвал асосида маъруза, амалиёт, семинар ва лаборатория машғулотлари шаклида ўтказилади. Талабаларнинг амалиёт дарслари махсус тайёрланган тематик хоналарда олиб борилади. Амалий кўникмаларни ўзлаштиришда фантом ва муляжлардан кенг фойдаланилади.

ТТА да ОМХ факультети талабалари учун 2011-2012 ўқув йилида ўқув жараёнини соғлиқни сақлаш амалиётига максимал яқинлаштириш, амалий кўникмаларни чуқурроқ ўргатиш, олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлашда кафедраларо интеграцияни кучайтириш учун ОМХ ўқув маркази ташкил қилинди.

фоиз. Илмий салоҳият 65 фоизни ташкил қилади.

Академияда ўтказилган «Спартакиада» ўйинлари факультет аъёнасига айланиб қолди. Факультет ўқитувчилари ва талабалари спортнинг барча турларида қатнашиб йилдан йилга яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқдалар.

Факультет талабалари академияда ўтказилган маънавий — маърифий тадбирларда фаол иштирок этишади. Жумладан, «Балли, қизлар», «Қувноқлар ва зукколар». Факультет талабалари орасида фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадаси, ҳамшира кўрик-танловлари совриндорлари бор.

ТТА ўқув бўлими ва профессор-ўқитувчилари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги шотландиялик (Эдинбург ш) мутахассислар кўмагида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш дастурини жаҳон андозасига мос равишда ўзгартиришди ва 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб факультет талабалари ушбу янги дастур асосида ўқитилмоқда. Ушбу дастур талабаларни тайёрлашда кўпроқ амалий кўникмаларга эътибор беришга қаратилган.

Факультетда ўқиш муддати 3 йил. Битирувчилар барча даволаш муассасаларида етакчи ҳамшира, катта ҳамшира, менежер ва тиббиёт коллежларида ўқитувчи бўлиб ишлашлари мумкин.

Олий маълумотли ҳамшира факультети битирувчилари «Ҳамширалик ишини ташкил қилиш ва бошқариш» йўналиши бўйича магистратурада ўқишни давом эттиришлари ҳам мумкин. Магистратурада ўқиш муддати 2 йил.

Олий маълумотли ҳамшира — давр талаби!

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲАМШИРА ФАКУЛЬТЕТИ

Ушбу марказда 3 ўқув бўлим — терапия, акушерлик, акушерлик, шунингдек, библиотeka, компьютер зали билан, ўқув хонаси мавжуд.

Талабаларнинг дарсларга тайёрлаш учун кутубхона, виртуал кутубхона, компьютер заллари мавжуд.

Академиямиз кутубхонасида Олий ҳамширалик йўналиши бўйича ўзбек, рус тилларида замонавий адабиётлар мавжуд. 3-курс талабалари ўзлари танлаган йўналишлари бўйича дарс ўтишади (акушерлик иши, анестезиология ва реанимацияда ҳамширалик иши, жарроҳликда ҳамширалик иши, менежерлик).

Олий маълумотли ҳамшира факультети талабаларига амалий машғулотларни кафедраларда асосан доцент ва тажрибали ассистентлар олиб боришади. Маърузаларнинг 70 фоизи профессорлар, 30 фоизи доцентлар томонидан ўқилади.

Педагогик салоҳият тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда талабаларга 127 та педагог дарс бермоқда. Улар орасида профессорлар 20 фоиз, доцентлар 25 фоиз, катта ўқитувчилар 20 фоиз, ассистентлар 35

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати, қабул ҳайъати сизларни қуйидагилар бўйича огоҳлантиради:

Тошкент Тиббиёт академияси талабалари сафига киритиб қўяман деган турли кимсаларнинг берган ваъдаларига умуман ишонманг! Бундай кимсалар товламачи ёки фирибгар эканлигини эслатиб ўтаман.

ТТА ректори, проректорлар, факультет деканлари ва қабул ҳайъати аъзолари ТТА га ўқишга киришга ёрдам бера олмайдилар.

Тошкент Тиббиёт академиясига ўқишга киришнинг асосий мезони билим ҳисобланади.

УВАЖАЕМЫЕ АБИТУРИЕНТЫ И РОДИТЕЛИ!

Ректорат Ташкентской медицинской академии и приемная комиссия предупреждают Вас о следующем:

Не доверяйте лицам, обещающим помочь в поступлении в ряды студентов. Предупреждаем, что такие люди являются мошенниками.

Ректор ТМА, проректоры, деканы факультетов и члены приемной комиссии не могут Вам помочь в поступлении в ТМА.

Основными критериями поступления в Ташкентскую медицинскую академию являются знания.



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ МАХСУС СИРТКИ БЎЛИМИДА 2014/2015 ЎҚУВ ЙИЛИДА БАКАЛАВРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ЎҚИТИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ

Тест коди	Таълим йўналишларининг танлов коди (шифр)	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
				Шу жумладан			Шу жумладан		
				Жами	Рус	Ўзбек	Жами	Рус	Ўзбек
	5111000	Касбий таълим (тиббий-педагогика)	75	25	4	21	50	8	42
	5510100	Даволаш иши	200	85	14	71	115	17	98
	5510300	Тиббий-профилактика иши	90	40	6	34	50	8	42
	5510400	Стоматология	200	60	9	51	140	20	120
	5510700	Олий малакали ҳамшира иши	90	35	5	30	55	9	46
Жами:									
			655	245	38	207	410	62	348

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА 2014-2015 ЎҚУВ ЙИЛИДА МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАҚСИМЛАНИШИ

Шифр	Мутахассисликлар	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
				Ўзбек	Рус		Ўзбек	Рус
5A210101	Акушерство и гинекология	15	2	2	-	13	11	2
5A510102	Эндокринология	10	1	1	-	9	7	2
5A510103	Терапия (йўналишлар бўйича)	22	4	3	1	18	16	2
5A510104	Оториноларингология	8	2	2	-	6	5	1
5A510105	Кардиология	10	1	1	-	9	8	2
5A510106	Офтальмология	5	1	1	-	4	3	1
5A510107	Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича)	19	9	8	1	10	8	2
5A510108	Дерматовенерология	6	2	2	-	4	3	1
5A510109	Неврология	10	4	3	1	6	4	2
5A510110	Умумий онкология	23	2	2	1	21	19	2
5A510111	Психиатрия	6	3	2	1	3	2	1
5A510112	Хирургия (йўналишлар бўйича)	22	3	2	1	19	15	4
	Жумладан торақтал хирургия	4				4	3	1
5A510113	Функционал ва инструментал ташхислаш	22	2	2	-	20	17	3
5A510114	Нейрохирургия	7	2	2	-	5	4	1
5A510115	Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш	10	3	2	1	7	6	1
5A510116	Тиббий психология	5	1	1	-	4	3	1
5A510117	Урология	7	3	2	1	4	3	1
5A510118	Морфология (йўналишлар бўйича)	6	2	2	-	4	3	1
5A510119	Наркология	7	3	2	1	4	3	1
5A510120	Анестезиология ва реаниматология	9	1	1	-	8	6	2
5A510121	Травматология ва ортопедия	7	3	2	1	4	3	1
5A510123	Суд-тиббий экспертизаси	6	3	3	-	3	2	1
5A510124	Патологик анатомия	7	1	1	-	6	5	1
5A510125	Тез тиббий ёрдам	5	2	2	-	3	3	-
5A510126	Фармакология	7	3	2	1	4	3	1
5A510301	Гигиена (йўналишлар бўйича)	16	1	1	-	15	13	2
5A510401	Стоматология (йўналишлар бўйича)	16	1	1	-	15	12	3
	Спорт тиббиёти	6	2	2	-	4	3	1



СТОМАТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Сиз, 5510400 – Стоматология таълим йўналишини танласангиз, куйидаги маълумотлар билан танишиб чиқинг.

Факультет 1954 йилда ташкил топган. Мана шу давр ичида стоматология факультети 22 мингдан зиёд врач-стоматологларни тайёрлаб чиқарди. Талабаларимиз турли хил илмий тўғараклар аъзоси сифатида халқаро илмий анжуманларда иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда, улар орасида Ибн Сино номидаги ва институт илмий кенгаши стипендиатлари бор.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим турларидан бири бўлган таълим икки босқичдан иборат: Бакалаврият – танланган таълим йўналиши бўйича пухта билим берувчи, 5 йил давом этадиган олий таълим; Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида 2 ёки 3 йил давом этадиган олий таълим.

Стоматология факультети соғлиқни сақлаш тизими учун умумий амалиёт стоматолог – шифокор кадрлар тайёрлайди. Факультетни декан ва декан муовинлари бошқаради. Стоматология факультетига 9 (битта ижтимоий – гуманитар, иккита тиббий – биологик ва олти клиник) кафедра бириктирилган.

Кафедра – бир ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир неча фандан педагогик, услубий ва илмий ишлар олиб борувчи профессор – ўқитувчилар жамоаси бўлиб, бир ёки бир нечта турдаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича билим олаётган талабалар ва уларга хизмат кўрсатувчи кафедралик бирлаштирувчи бўлимдир. Бугунги кунда бу кафедралик таникли олимлар, профессорлар М.Азизов, Х.Ирсалиев, Х.Камилов, А.Жилонов, Н.Парпиева, Н.Ходжаева, Б.Магруппов, А.Ходжиметовлар бўлгуси шифокорларга сабоқ бериб келмоқдалар.

Факультет кафедраларида 24 профессор, 46 доцент, 20 та катта ўқитувчи ва 70 ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Стоматология факультетига қарашли кафедралик, тиббий академиясининг, асосий базаларида жойлашган, шу билан бир қаторда талабалар Тошкент шаҳри стоматология поликлиникаларида жойлашган бўлимларида ҳам таҳсил олишади. Амалий машғулотларда талабалар мутахассислик учун зарур бўлган амалий кўникмаларнинг тўлиқ ҳажмини махсус замонавий ускуналар билан жиҳозланган

тематик хоналарда фантом, муляж ва албатта масса блоклар (сунъий жағлар) ёрдамида пухта ўрганадилар.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг иккинчи ва учинчи босқичларида кўзда тутилган таълим сифатини ошириш, таълим тизимларида илғор замонавий педагогик ўқитишда янги ахборот коммуникацион технологияларни кенг жорий этишга шароит яратиш каби устувор вазифаларни бажариш ҳамда “умумий стоматолог” ва Давлат таълим стандарти квалификация тавсифномаси асосида ўқув жараёнида янги сифат даражасига кўтариш мақсадида, Тошкент Тиббий академияси ректори, академик Ш.Каримов ташаббуси билан “Стоматология ўқув – амалий маркази” яратилди ва у академиянинг 3-клиникаси базасида ўз фаолиятини бошлади. Ушбу марказ ташкил этилган факультетнинг 1-5 курс талабаларининг амалий кўникмаларини пухта эгаллашлари учун лозим бўлган шарт-шароитлар яратилдики, бу амалий кўникмаларни реал фантом – муляжлар янги тиббий – технологик воситалар орқали ўзлаштириш туфайли талаба назарий билимларини амалий кўникмалар орқали бойитади. Амалий машғулотни ҳам назарий, ҳам амалий ўзлаштириш имконияти кенгайтирилади, бу эса талабанинг фаоллигини, фанга, эгаллаётган касбига қизиқишини оширади.

Марказнинг мақсади – замонавий технологияларни ўқиш жараёнига жалб қилиб, талабани назарий маълумотдан бошлангич амалий кўникмаларини фантом – муляжларда бажаришга ўргатиш ва орттирилган амалий кўникмаларни янги тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштириб, мустақил равишда беморларни қабул қилишга тайёрлашдан иборат. Марказда ўргатиладиган 320 та амалий кўникмалар рўйхати “умумий стоматолог” квалификация характеристикасига, ўқув дастури ҳамда ўқув соатларига мос равишда тузилган. Амалий кўникмалар оддийликдан мураккаб даражасига ўтиб боради ва замонавий технологияларни ўқиш жараёнига жалб қилиш орқали вазифалар ечими яқинида талаба етук мустақил клиник қобилиятга эга бўладиган “умумий амалиёт стоматолог” бўлиб шаклланади.





ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет 1931 йилда ташкил этилган. Факультетда 1000 га яқин талаба таълим олади, шу жумладан 300 нафардан ортиги Фаргона филиалида.

Факультетда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Факультет Ўзбекистонда ягона бўлиб, мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидаги 33 факультетлар орасида нуфузли ўринга эга. Факультетда ўқиш муддати 6 йил. Дастлабки 5 йил давомида талабалар тиббий-биологик, тиббий-профилактик, клиник йўналишдаги ва гуманитар фанлар бўйича тахсил оладилар. Сўнгра 6 курсдан бошлаб мутахассислик фанлари коммунал, меҳнат, овқатланиш, болалар ва ўсмирлар гигиенаси ҳамда эпидемиология фанлари бўйича врач умумий гигиенист мутахассислиги бўйича таълим оладилар.

Факультетга 11 та кафедра ва 1 та жамоат соғлигини сақлаш мактаби қарашли бўлиб, уларда 150 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб келишмоқда. Улардан 30 нафари тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар, 80 нафардан зиёди эса тиббиёт фанлари номзоди даражасига эга бўлган ходимлардир.

Факультетимизда Республикаимиз эпидемиология соҳасини, гигиена фанларининг ривожланишига ва соғлиқни сақлашни ташкил этилишига катта ҳисса қўшган профессорлар: Л.Пономарева, И.Муҳаммедов, Г.Шайхова, О.Миртазаев, Ф.Аюпова, А.Вайсов, Ш.Бахритдинов каби етук олимлар фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Факультет кафедралари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий-текшириш институтлари Давлат санитария эпидемиология назорати марказларида жойлашган. Инглиз тилини мукамал эгаллаган талабалар учун маърузалар ва амалий машғулотлар шу тилда ташкил этилган. Талабаларимизнинг

25 фоиздан ортиги турли фанлар бўйича талабалар илмий жамиятида иштирок этиб келишади. Факультет талабаларидан 10 нафари фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадаси, 40 нафари эса турли кўрик-танловларда иштирок этиб совриндорлар сафидан ўрин олганлар. Талабаларимиз Академия, шаҳар ва Республика миқёсида ўтказиладиган турли маънавий-маърифий тадбирларда, спартакиадаларда мунтазам иштирок этиб, доимо фахрли ўринларни эгаллаб келишади.

Вилоятлардан ва бошқа давлатлардан келган талабалар учун барча қулайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд.

Талабаларимизнинг бўш вақтларини марокли ўтказиш мақсадида факультетимизда барча шароитлар яратилган. Улар талабалар турар жойларида фаолият кўрсатиб турган «Ёш ижодкорлар» клубидаги тўғаракларда ҳамда жисмоний тарбия кафедраси ва «Талаба» спорт клуби қошидаги спорт секцияларида мунтазам қатнашиб турадилар.

Ушбу факультетни битириб чиққан талабаларимиз ҳозирги кунда Республикаимизда ва чет элларда 20 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Факультет битирувчилари эпидемиолог, паразитолог, бактериолог, вирусолог, иммунолог, диетолог, токсиколог, врач-лаборант, коммунал гигиена, меҳнат гигиена, овқатланиш гигиенаси, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, радиацион гигиена, божхона ва солиқ кўмиталарида врач назоратчи лавозимларида фаолият кўрсатишлари мумкин ҳамда танлаган мутахассисликлари бўйича магистратура йўналишларида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Факультет битирувчилари илмий-текшириш институтларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, тиббий санитария бўлимларида, Давлат санитария эпидемиология назорати марказларида, приватизация қилинган ёки акционерлик корхоналарида келажақда тиббиёт сугурта муассасаларида ҳам ишлашлари мумкин.

Даволаш факультети 1931 йил Ўрта Осиё Давлат тиббиёт институти ташкил этилганда, Туркистон Давлат университети таркибидан ажралиб чиққан. Даволаш факультетида тахсил олиб, кейинчалик факультетга раҳбарлик қилган, ҳамда жаҳон тиббиёти равнақиға ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ва қўшиб келаётган улуг аллома устозларимиздан А.Ходжаев, С.Долимов, А.Мағрупов, Н.Мажидов, М.Ашрапова, Р.Нурмухаммедов, М.Мирзамуҳаммедов, Н.Муротхўжаев, А.Мўминов, Қ.Нажмудинов, шунингдек академик Ш.Каримов, профессорлар Т.Салиев, П.Тошхўжаев, А.Ҳакимов, Ш.Зокирходжаев сингари дунё таниган олимлар ана шу даволаш факультетидан етишиб чиққанлар.

Факультетда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш муддати 7 йил. Таълимнинг дастлабки 5 йилида талабалар тиббий-биологик, клиник, гуманитар йўналишлардаги фанлар бўйича тахсил оладилар. Ўқишнинг 6 ва 7-йилларида талабаларга «Умумий амалиёт шифокори» мутахассислиги ва дастури бўйича билим берилади. Факультет битирувчиларига «Умумий амалиёт шифокори» мутахассислиги берилади ва улар танлаган ихтисослиги бўйича магистратура ва клиник ординатурада ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Даволаш факультетининг 16 та кафедрасида олий малакали мутахассислар – 1 та академик, 46 та профессор, 197 ассистент, 188 фан номзоди фаолият юритмоқда. Даволаш факультети кафедраларида нафақат республикамиз, балки бошқа дунё мамлакат вакилларида иборат бўлган 2000 га яқин талабалар таълим олмақдалар. Факультет фаолиятининг асосий ютуқларидан бири замонавий услублар ва технологиялар асосида барча таълим шакллари узлуксиз такомиллаштириб бориш ҳисобланади. Академиянинг асосий ўқув базалари нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё мамлакатларидаги, балки МДХ давлатларида ҳам энг йирик ҳисобланган тиббиёт илмий-текшириш марказлари – ЎЗР ССВнинг академик В.В.Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази, санитария – гигиена ва касб касалликлари ИТИ ва бошқа бир қатор марказларда жойлашган бўлиб, ана шу марказлар қошида талабалар тахсил олишади.

Даволаш факультети талабалари биринчи курсдан оқ тиббиёт билан яқиндан таниша бошлайдилар. Биринчи 2 та курсда бир мунча мураккаб ва назарий фанлар кўп ўқитилади. Маърузалар, амалий дарслардан ташқари талабалар беморларни парвариш қилишни ўрганишади. Учинчи курсдан бошлаб талабалар клиник кафедраларга боришади. Факультетнинг ривожланиш даврида клиник базалар анча кенгайтирилди. Даволаш факультетини ҳар бир курсида инглиз тили гуруҳлари ташкил этилган. Ўтказилган конференциялар инглиз тилида олиб борилади. Даволаш факультетининг талабалари дастур бўйича ўтирилиш лозим бўлган дарслардан ташқари илмий изланиш ишлари билан шуғулланишади. Талабаларимиз Ўзбекистон ёшлари иштирок этадиган конференцияларда маърузалари

билан иштирок этишади ва семинарларда фаол қатнашишади. Талабаларнинг илмий ишлардаги иштироки натижасида академиянинг кўпчилик кафедралари битирувчиларимиз ҳисобига бойийди.

Талабаларимиз факультет, академия ва институтларaro миқёсида ўтказиладиган турли давра суҳбатларида ҳам қатнашадилар. Академияда мунтазам равишда ўтказиладиган «Талабаликка бағишлов», «Клиникага йўл», «Балли қизлар», «Спорт байрами» тадбирлари ва турли спартакиадаларда фаол қатнашадилар. Даволаш факультетининг барча шароитлар яратил-

олиши керак бўлган амалий кўникмаларнинг рўйхати.

– Умумий амалиёт шифокорини аттестация қилиш ва лицензиялашга бўлган талаблар.

– Тиббиёт институтларида умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш ўқув дастурларини ва умумий амалиёт шифокорларини дипломдан кейинги таълим босқичида қайта тайёрлашни стандартлаштириш.

– Тиббиёт олий ўқув юртлари шифокорлар малакасини ошириш институтлари соғлиқни сақлаш органларининг умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш сифати учун жавобгарлиги.

Ушбу квалификациян характеристика куйидагилар учун мўлжалланган:

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари.

– Тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрловчи олий тиббий муассасалари.

– Тиббий ассоциациялар.

Квалификациян характеристика асосида куйидагилар аниқланади:

– УАШни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари.

– УАШ касбий билим ва кўникмаларининг даражаси.

– Тиббий ва тиббий ижтимоий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми.

Умумий амалиёт шифокорининг квалификациян характеристикаси куйидагиларни таъминлашга мўлжалланган:

– УАШни дипломгача ва дипломдан кейинги касбий таълим тизимининг, Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги соғлиқни сақлашнинг бирламчи даволаш профилактик муассасаларидаги касбий фаолиятининг узлуксизлигини.

– УАШнинг касбий таълими.

– Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида умумий амалиёт шифокорлари давлат таълим стандартларининг ягоналиги.

Ҳозирги кунда факультетимизнинг аксарият қисм талабалари «талабалар илмий жамияти»нинг аъзоси бўлиб, улар истаган фанлари соҳасида кафедра томонидан белгиланган педагог раҳбарлигида илмий изланишлар олиб борадилар. Факультетда ўқишда аъло кўрсаткичларга эришган, жамоат ишларида фаол иштирок этувчи, намунали одобахлоқи билан ўрнак бўлган талабалар доим рағбатлантирилади. Абу Али ибн Сино, Академик Ў.Орипов Врачлар ассоциацияси номида таъсис этилган стипендияси номзодлари таълим олмақдалар.

Факультет талабалари орасида фанлар бўйича республика олимпиадаси ғолиблари ва спорт мусобақаси ғолиблари борлигидан фахрланамиз.

Даволаш факультети

ган талабалар уйида вилоятдан ўқишга келган талабалар истиқомат қилишади. Талабалар уйида профессор – ўқитувчилар, мураббийлар, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими етакчилигида етук олимлар, давлат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ўтказилади. Талабаларимиз дарсдан бўш вақтларида академияда фаолият кўрсатиб турган бадиий ҳаваскорлик тўғараклари, 15 та спорт секцияларига қатнашадилар. Факультетнинг «Оригинал» қувноқлар ва зукколар жамоаси республика танловида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Факультетда талабаларни чуқур билим эгаллашлари учун таълим жараёнига ўқитишнинг фаол усуллари: ўқитувчи назорат қилувчи дастурлар, амалий ўйинлар, клиник ва диагностик масалалар фантомлардан фойдаланиш татбиқ этилган. Профессор – ўқитувчилар томонидан таълимнинг барча йўналишлари бўйича умумий амалиёт шифокори (УАШ)нинг зарурий клиник кўникма касбий маҳоратларини эгаллашнинг «қадамма-қадам» технологияси жорий этилган ва стандартлаштирилган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Умумий амалиёт шифокори (УАШ)нинг квалификациян характеристикаси куйидагиларни ўз ичига олувчи давлат меъёрий ҳужжати ҳисобланади:

– Умумий амалиёт шифокорининг касбий фаолият ва ишининг асосий шароитлари.

– Касбий ва ижтимоий вазифаларни бажариш учун квалификациян талаблар умумий амалиёт шифокори билиши ва қила

